

Қуръони карим дарслари (121-дарс) «Тайсир»даги етти қироатнинг санади



13:30 / 26.01.2021 4872

Имом Ибн Касир қироати:

1) Ундан Муҳаммад ибн Қунбул қилган ривоят ҳақида бизга Абу Муслим Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Алий ал-Бағдодий хабар берган. У айтганки:

«Бизга Ибн Мужоҳид хабар берган. У айтганки:

«Мен (бу ривоят билан) Қунбулга ўқиб бердим ва у айтди:

«Мен Абул-Ҳусайн Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Авф ал-Қавсийга^[1] ўқиб бердим ва у айтди:

«Мен Абул Ихрит Ваҳб ибн Возихга ўқиб бердим ва у айтди:

«Мен Исмоил ибн Абдуллоҳ ал-Қистга ўқиб бердим ва у айтди:

«Шибл ибн Аббод ва Маъруф ибн Мушконга ўқиб бердим. Улар:

«Биз Ибн Касирга ўқиб берганмиз», дейишган».

(Абу Амр ад-Доний айтади:)

«Мен ушбу ривоят билан Қуръоннинг ҳаммасини Форис ибн Аҳмад ал-Ҳимсий^[2] ал-Муқрий аз-Зарирга ўқиб бердим. У айтди:

«Мен бу ривоят билан Абдуллоҳ ибн Ҳусайн ал-Бағдодийга ўқиб бердим. У айтди:

«Мен Муҳаммад ибн Мужоҳидга ўқиб бердим. У айтди:

«Мен Қунбулга ўқиб бердим».

2) (Ибн Касирдан) Аҳмад ал-Баззийнинг ривояти:

«Бизга бу ривоят ҳақида Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Котиб хабар берди ва айтди:

«Бизга Аҳмад ибн Мусо хабар берди ва айтди:

«Бизга Наср[3] ибн Муҳаммад аз-Заббий хабар берди ва айтди:

«Бизга Абу Базза[4] хабар берди ва айтди:

«Мен Икрима ибн Сулаймон ибн Умайр (бир нусхада Омир)га[5] ўқиб бердим ва у айтди:

«Мен Исмоил ибн Абдуллоҳ ал-Қистга ўқиб бердим ва у айтди:

«Мен Ибн Касирнинг ўзига ўқиб бердим. Баззий мана шундай деган».

(Абу Амр ад-Доний айтади:)

«Мен бу ривоят билан Қуръоннинг ҳаммасини Абулқосим Абдулазиз ибн Жаъфар ибн Муҳаммад ал-Муқрий ал-Форисийга ўқиб бердим. У менга айтдики:

«Мен Қуръоннинг ҳаммасини Абу Бакр Муҳаммад ибн Ҳасан ан-Наққошга ўқиб бердим. У менга айтдики:

«Мен бу ривоят билан Абу Рабиъа Муҳаммад ибн Исҳоқ ар-Раъбийга ўқиб бердим. У айтдики:

«Мен Баззийга ўқиб бердим».[6]

Бу иккинчи тўлин ой[7] Абу Муид[8] ибн Касир ал-Маккий Амр ибн Алқаманинг мавлоси бўлиб, тобиъийдир. Унинг асли форс авлодидан. У новча, йўғон, буғдойранг, кўзи кўкка мойил эди. Сочини ҳино билан бўяр эди. У саҳоба Абдуллоҳ ибн ас-Соиб ал-Махзумий, Мужоҳид ибн Жабр ва Дирбосда ўқиган. Абдуллоҳ ибн ас-Соиб эса Убай ибн Каъбда ўқиган. Мужоҳид ва Дирбос иккиси Абдуллоҳ ибн Аббосда, у киши Убай ибн Каъб

ва Зайд ибн Собитда ўқиган. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламда ўқиганлар.

«Қуръон илмлари» китобидан

[1] Аслида ал-Қаввос.

[2] Аслида ал-Ҳимсий.

[3] «Бир нусхада *مصم*», дейди Абдуллоҳ Қорий. Аслида Музар.

[4] Аслида Аҳмад ибн Абу Базза, яъни Аҳмад ал Баззий.

[5] Тўғриси ҳам Омир.

[6] Баззийнинг Ибн Касиргача санади сал аввалолдин ўтди.

[7] Порлоқ сиймо демоқчи, яъни Ибн Касир.

[8] Аслида Абу Маъбад, исми Абдуллоҳ.